ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-33-37

ЎЗБЕК МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ИФОДАСИ

Шаҳноза Холиқова
Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада мулоқот маданиятини шакллантириш, унда кўмакчи феълли сўз қўшилмасининг қўлланиш ўрнини белгилаш, бошқа чет тиллардаги феъллар билан қиёсий таҳлили ва уни ўқитишга қаратилган масалалар ёритилган.

Калит сўзлар. Мулоқот компетенцияси, шахслараро муносабат, етакчи феъл, кўмакчи феъл, ўзбек менталитети, қиёсий таҳлил.

КИРИШ

Инсон ўз фаолияти давомида мулоқот қилишнинг турли воситаларидан фойдаланади. Ҳар бир педагог ҳам касбий фаолияти давомида мулоқот маданиятини шакллантиришга ҳаракат қилади. Унинг фаолиятида мулоқот қилишнинг ўзига хос жиҳатлари, унинг маданияти ва психологияси мавжуд бўлади. Бунинг учун, аввало, муаллим ўз иш фаолияти давомида мулоқот маданиятини шакллантира олиши, муомалада шарқона одобни ўзида таркиб топтириб, уни тарбия воситасига айлантириб олмоғи зарур. Мулоқотда сўзлашиш маданиятига риоя этиш, ундаги дилкашлик, сўзамоллик, мантиқийлик каби талабларга амал қилиш талаб этилади. Кўрсатиб ўтилган жиҳатлар барча ўқитувчи мураббийларга, айниқса, она тили ва адабиёти ўқитувчиларига тегишли бўлиб ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, ҳар бир соҳада мулоқот маданиятига эга бўлиш замон талаби, ҳаёт эҳтиёжи бўлиб ҳисобланади. Чунки инсон фаолиятининг руҳий олами мулоқотда намоён бўлади. Мулоқот ўзаро муносабатларда воқе бўлади. „Шахслар фаолияти мотивациясининг асоси сифатида юзага чиқаётган эҳтиёж, манфаат, манфаатдорлик каби ижтимоий-иқтисодий омиллар маълум маънода уларни мақсадли ўй-фикрлари, истаклари юзага чиқишига ҳам сабаб бўлади. Шахслараро муносабатларни, мулоқот маданиятини қай даражада шаклланишига ҳам сезиларли таъсир ўтказади. Бинобарин, мулоқот одамлар орасида амалга ошириладиган фаолиятлар ичида етакчи ўрин эгаллаб, у

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-33-37

инсондаги энг муҳим эҳтиёжларни жамиятда яшаш ва ўзини шахс деб ҳисоблаш билан боғлиқ эҳтиёжни қондиради. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир инсон учун аҳамияти мислсиз”. Ҳар бир шахс ўз фаолияти давомида бир-бирларига маълумотларни узатади, фикр алмашадилар, яъни мулоқот қиладилар. Шахслараро мулоқот шундай мураккаб жараёнки, у мулоқот қилувчиларнинг ўзаро бир-бирига таъсири бўлиб, унда мулоқотнинг турли психологик жиҳатлари намоён бўлади. Ўқитувчининг мулоқоти унинг нутқ маданияти билан боғлиқ. Чунки нутқ ва унда ифодаланган сўз орқали кишининг руҳияти кўтарилади, ёки аксинча, кайфиятига салбий таъсир этади. Кишининг маданияти унинг муомаласида кўзга ташланади. Муомала эса ўз навбатида мулоқотда воқе бўлади. Ўқитувчи касбий фаолиятида мулоқот маданиятини шакллантириш муаммоси нафақат она тили ўқитувчилари учун, балки барча фан ўқитувчилари учун зарурий масаладир.

Маълумки, ўқитишда ҳар бир ўқитувчининг ўзига хос таълим услублари мавжуд. Таълим беришда мулоқот маданиятини тўғри амалга ошириш учун ҳар бир ўқитувчи мустақил изланмоғи, тарбиялашнинг турли усулларидан моҳирона фойдаланмоқлари лозим бўлади.

Ҳар бир педагог педагогик мулоқот маданиятини шакллантириш учун ўзига хос методикага эга бўлмоғи лозим :

✓ биринчидан, ўқувчиларнинг ёш ва индувидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда вазифаларни белгилаб олишлари мақсадга мувофиқ бўлади;

✓ иккинчидан, мулоқотда ҳар бир ўқувчига алоҳида мулоқот маданияти, улар билан тил топишлик масаласини эътиборга олиш;

✓ учинчидан, мулоқот жараёнини соддалаштириш, яъни ўқитувчи ва ўқувчи муносабатни эркин мулоқот асосида ташкил қилиш, уларнинг психологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

✓ тўртинчидан, педагогик мулоқотда ўқитувчи шарқона одоб-ахлоқ қоидаларини мулоқот орқали тарғиб қилиш;

✓ бешинчидан, мулоқот қилишга мотивация уйғота олиш зарур бўлади;

✓ олтинчидан, сўзлашишга мотивация уйғотиш учун эса сўзнинг интонациясига, тембрига, тўхтамларига риоя этиш зарур;

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Мулоқот одамларнинг биргаликдаги фаолиятлари, эҳтиёжларидан келиб чиқадиган турли фаолликлари мобайнида бир-бири билан ўзаро муносабатларга киришиш жараёнидир. Мазкур муносабатларда миллий қадриятларнинг ўрни беқиёс. Зеро, азалдан ўзбек миллати ўзига хос қадриятлари мужассамлиги

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-33-37

билан барчанинг эътиборини тортиб келган. Меҳмон кутиш одобидан тортиб, рўзғор тутиш одобигача ёки миллий либосларидан тортиб ҳатто муомала одобигача.

Биламизки, миллий қадриятлар, энг аввало, давлатнинг энг кичик асосий бўғини бўлмиш оилада шаклланади. Кичикка иззат, каттага ҳурмат тушунчалари фарзандларга ёшлигидаёқ уқтирилади. Шундай экан, бундай фазилатлар уларнинг нафақат ўзини тутишида, балки ҳар бир нутқ ифодасида намоён бўлади. Қуйида биз буларнинг айрим намуналарини мисол тариқасида кўриб ўтмоқчимиз.

Яъни, кўмакчи феълли сўз қўшилмаси. Дастлаб, кўмакчи феъллар ва уларнинг вазифалари ҳақида А.Нурмонов, Н.Маҳмудов, А.Собиров, Ш.Юсуповаларнинг “Ҳозирги ўзбек адабий тили ” китобидаги фикрларга тўхталсак.

“Ишлаб чиқди, ишлаб бўлди, ишлай бошлади, ишлаб юрибди, ишлаб қўйди, ишлаб юборди, ишлаб ёзди, ишлаб турибди, ишлаб кўрди сингари сўзларга эътибор берсангиз, уларнинг ҳаммаси бир умумий маънони – “ишламоқ” маъносини ифодалайди. Бу маъно, асосан равишдош шаклидан биринчи қисмдан англашилади. Иккинчи қисм эса биринчи қисмдан англашилган лексик маънога турли қўшимча (ҳаракатнинг бошланиши, давомийлиги, тугалланиши, осон бажарилганлиги, тез бажарилганлиги, ҳаракатни бажаришга уринганлиги каби) маъноларни юклайди.

Бундай сўзлар ҳам тузилишига кўра, феъл+феъл тарзида бўлади. Биринчи феъл сўзнинг асосий лексик маъносини ифодалайди. Шунинг учун у етакчи феъл саналади. Иккинчи қисм эса биринчи қисмга (етакчи феълга) қўшилиб, унга турли хил қўшимча маъноларни юклайди, лекин етакчи феълнинг лексик маъносини ўзгартириб юбормайди”

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Она тили дарсларида ўқитиладиган бу мавзуни миллий қадриятларимизга боғлиқлик даражаси ҳақида шуни таъкидлаш мумкинки, инсон ўзидан катталарга мурожаат қилаётганда ўз фикрини кичикларга ёки тенгдошларига айтаётгандек, айтинг эмас, айтиб беринг; беринг эмас, бериб юборинг, бериб туринг каби ифодалайди. Бу фикрлар бадиий асар тилида образлар нутқида яққол исботини топади. Жумладан, А.Қаххорнинг “Даҳшат” ҳикоясида Олимбек додхоҳнинг қабристонга кетаётган саккизинчи хотини Унсинга айтган сўнгги гапи: “...мен ҳозир сени бир талоқ қўйдим, қайтиб келганингдан кейин уч талоқсан! Бор, қумғонни кўтар!..” – бўлса, Саид Аҳмаднинг “Қоракўз

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-33-37

мажнун” асарида Саодат аянинг қизи Қумрининг таклифига жавобан: “Сен боравер, болам. Мен билан ўтириб қон бўлиб кетдинг. Жигарларинг билан бирпас ёзилиб келасан”, – дейиш бўлди.

Мисоллардан кўринадики, тагига чизилган сўзлар семик жиҳатдан бир маънода бўлса ҳам, ифода жиҳатидан турлича. Мулоқотнинг бундай кўринишини миллий қадриятлар ифодаси дея бежиз таъкидламадим. Чунки айрим чет давлат тиллари билан қиёсий таҳлил этганимизда юқоридагича ифода кузатмаймиз. Яъни, ўзбек миллати нутқида катталарга ҳурмат билан ёки яқин қадрдонига нисбатан мурожаат қилаётганда, бора туринг, бора беринг (бораверинг) дейилса, кичикларга нисбатан ёки ҳурмат билан ифодаланмаган ҳолатда, шунчаки, бор ёки боргин дейилади. Хусусан, инглиз тили билан солиштирганимизда бу икки ифода биргина go мисолида кўринади. Айнан гапдаги таржимасига эътибор қаратсак:

Ўзбек тилида

1. Бор, қумғонни кўтар!
2. Сен боравер, болам.

Инглиз тилида


1. Go, catch up a teapot!
2. You go, my child.

Яна бир мисолда, яъни Асқад Мухторнинг “Чинор” романида Очил буванинг дори ичмоқчи бўлиб турган одамга қарата “Чой қуйиб бера қолай”, деган такаллуфини учратамиз. Бу эса кўмакчи феълли сўз қўшилмасининг кўмакчи феъли бир неча сўздан иборат эканига мисол бўлиб, мазмунннинг янада “юмшоқ” ўзбекона ифода топаётганидан далолатдир. Аслида биргина чой қуймоқ бирикмасининг ўзиёқ биз кутган маънони беради. Лекин маънони кичиккўнгиллилик, самимийлик даражасига олиб чиққан бера қолай кўмакчи феъллари айни шу образ характеридан бизга етарлича маълумот бермоқда.

Менталитетимизга хос бўлган бундай мулоқот одоби, ўзига хос ҳурмат билан ёндашув гапларнинг ифодасида, қурилишида, ҳатто оҳангида акс этиши маълум. Бироқ бизда биргина феъл орқали ҳам буни амалга оширса бўлади.

Демак, бугунги кунда мактабларда феъл сўз туркумига оид мавзулар ўтиб борилаётганда, ўқитувчилар томонидан худди шу масалаларга ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Бундай пайтда қуйидаги жадвал орқали мавзуни мустаҳкамлаш мумкин.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-4-33-37



ХУЛОСА

Тилимизда элликдан ортиқ феъллар кўмакчи феъл вазифасини бажаради, лекин махсус кўмакчи феъл вазифасини бажаришга хосланган феъл йўқ. Демакки, бундай феълларни вазиятига кўра тўғри қўллай билиш ҳам ўқувчиларнинг турли ўринларда мулоқотга киришувида асосий омиллардан бири бўла олади. Мактабларда ўқувчи ёшлар нутқидаги нуқсонларни тобора камайтириш биз ўқитувчиларнинг асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

REFERENCES

1. Абдулла Қаҳҳор. “Ўтмишдан эртаклар”. “Янги аср авлоди”, 2017. 148-б.
2. Асқад Мухтор. “Чинор”. “Янги аср авлоди”, 2018. 283-б.
3.Азизхаджаева Н. Педагогик технология. –Т.: 2001. 46-б.
4. Нурмонов А., Маҳмудов Н., Собиров А., Юсупова Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Т.: 2015. 335-б.
5. Тўхлиев Б., Каримов Б., Усмонова К. АДАБИЁТ. Ўрта таълим муассасаларининг 10-синфи ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг ўқувчилари учун дарслик-мажмуа. II қисм. 94-б.
6. Эркабоева Н. Ўзбек тилидан маърузалар тўплами. “Академнашр”. 2009. 171-б.